

Ҳоким 1-сектор ҳудудида жойлашган маҳалла ходимлари билан учрашди



Қумқўрғон тумани “Янгиер” маҳалласида жойлашган 20-сонли мусиқа ва санъат мактаби биносида туман ҳокими Анвар Нормаматов 1-сектор ҳудудида жойлашган маҳалла ходимлари билан учрашди.

Учрашувда 1-сектор ҳудудида жойлашган маҳаллаларда фаолият юритаётган ходимлар томонидан уйма-уй юриб аҳолининг камчиликларини аниқлаш бўйича топшириқ ижроси муҳокама қилинди. Туман ҳокими топшириққа асосан уйма-уй юриб ўрганишлар олиб бормаган маҳалла ходимларига огоҳлантириш берди.